



**НЕМИС ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ НУТҚ КЎНИКМАЛАРИНИ
ОШИРИШНИНГ САМАРАЛИ СТРАТЕГИЯЛАРИ**

Есбергенова Г.Б

Ажиниёз номидаги НукусДПИ

Бугунги кунда хорижий тилларни, жумладан, немис тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг нутқ кўникмаларини ривожлантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Нутқ кўникмалари — бу фақатгина тилни билиш эмас, балки оғзаки ва ёзма шаклда ўз фикрини аниқ, мантиқий ва маданиятли ифодалай олиш қобилиятидир.

Мақолада олий таълимда немис тилини ўқитишда талабаларнинг нутқ кўникмаларини ривожлантиришнинг воситалари, омиллари, таълимий ўйинлар ҳақида сўз юритилади.

Немис тилини ўқитишда талабаларга қўйиладиган малака ва кўникмалар мазмуни, нутқ маданиятини шакллантиришда қўлланадиган воситалар, оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш усуллари таҳлил этилади.

Талабаларнинг нутқ маданиятини шакллантиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

- Оғзаки нутқ компетенциясини ривожлантириш;
- Ёзма нутқ орқали мантиқий фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятини ошириш;
- Тилни амалий қўллаш орқали сўз бойлигини бойитиш;
- Тил ўрганиш жараёнида таълимий ўйинлар, интерфаол усуллардан фойдаланиш.

Олий таълим муассасаларининг нофилологик йўналишларида хорижий тиллардан бири немис тилини ўқитишда талабаларнинг оғзаки нутқи кўникмаларини ривожлантириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Нофилологик йўналишларда немис тилидан сабоқ олаётган талаба давлат таълим стандартида белгиланганидек, шу тилдаги имло ва тўғри талаффуз меъёрларини билиши, луғат бойлигига эга бўлиши, услубий меъёрларни билиши талаб этилади.

Ўтмишда тил ўргатишда асосан грамматикани ўзлаштириш талаб этилган ва барча дарсликлар ҳам шу мақсадга қаратилган ҳолда тузиларди. Талабаларнинг нутқ кўникмаларини шакллантиришда олий таълим ўқитувчисидан билимдан ташқари касбий маҳорат талаб этилади. Олий таълим талабаларининг немис тилида оғзаки нутқини ривожлантиришда замонавий педагогик технологиялардан, ахборот технологияларидан фойдаланиш ўз самарасини



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2026"

беради. Талабаларнинг немис тилидаги нутқ кўникмаларини шакллантиришда бир канча методик тавсияларга амал қилиш талаб этилади.

1. Мавзуга оид суҳбатлар ва мунозаралар — талабаларни гуруҳларда немис тилида муҳокама олиб боришга жалб этиш.

2. Ролли ўйинлар — реал ҳаётий вазиятларни саҳналаштириш орқали оғзаки нутқни ривожлантириш.

3. Аудиоматериаллар билан ишлаш — немис тилидаги подкастлар, аудиокитоблар тинглаш ва уларни муҳокама қилиш.

4. Таълимий ўйинлар — сўз ўйинлари, викториналар, кроссвордлар орқали сўз бойлигини ошириш.

Гуруҳларда мавзуга оид суҳбатлар ва мунозаралар талабаларнинг немис тилида муҳокама олиб бориш кўникмаларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бундай интерактив усуллар қуйидаги жиҳатларда фойдали:

- Нутқ фаоллашади: Талабалар ўз фикрларини эркин ифодалаш, саволлар бериш ва жавоб қайтаришга мажбур бўлади, бу эса сўз бойлиги ва грамматик кўникмаларни мустаҳкамлайди.

- Мотивация ортади: Гуруҳ муҳокамалари талабаларни тил ўрганишга қизиқтиради, уларнинг фаоллигини ва иштирокини таъминлайди.

- Танқидий фикрлаш ривожланади: Мунозараларда турли нуқтаи назарларни ўрганиш, ўз позициясини асослаш ва бошқаларни тинглаш қобилияти шаклланади.

Ролли ўйинлар орқали оғзаки нутқни ривожлантириш — таълим жараёнида самарали қўлланиладиган замонавий методлардан бири ҳисобланади. Бу усул нафақат болаларда, балки талабаларда ҳам тил кўникмаларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Ролли ўйинлар оғзаки нутқни ривожлантиришдаги аҳамияти:

- Тилни амалда қўллаш имконияти: Ролли ўйинлар давомида иштирокчилар турли ҳаётий вазиятларни саҳналаштириб, ўзаро мулоқотга киришади. Бу эса тилни фақат назарий эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам ўзлаштиришга ёрдам беради;

- Сўз бойлиги ва ифодали нутқ: Ўйин давомида янги сўзлар, иборалар ва грамматик тузилмаларни фаол ишлатиш орқали сўз захираси бойийди, нутқ равонлашади;

- Ўз фикрини эркин баён қилиш: Ролли ўйинлар талабаларни ўз фикрини қўрқмасдан, аниқ ва мантиқий ифодалашга ўргатади;

Ролли ўйинлар — оғзаки нутқни ривожлантиришда, талабаларни тил муҳитига фаол жалб этишда, уларнинг коммуникатив компетенциясини оширишда энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Бундай машғулотлар



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2026 "

нафақат тил кўникмаларини, балки шахснинг ижтимоийлашуви ва жамоада ишлаш қобилиятини ҳам ривожлантиради.

Аудиоматериаллар билан ишлаш — талабаларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришда, талаффуз, эшитиш қобилияти, сўз бойлиги ва нутқ равлонлигини оширишда энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Бу метод нафақат тил кўникмаларини, балки талабаларнинг тил муҳитига мослашувини ҳам тезлаштиради.

- Аудиоматериалларни мунтазам тинглаш — ҳар куни қисқа вақт давомида немис тилидаги аудиоёзувлар, подкастлар, қўшиқлар ёки қисқа ҳикояларни тинглаш тавсия этилади.

- Такрорлаш ва қайта ҳикоялаш — эшитган матн ёки диалогни қайтариш, мазмунини гапириб бериш нутқ равлонлигини оширади.

- Талаффуз устида ишлаш — аудиодаги сўзларни қайтариб, талаффузни солиштириш ва тўғрилаш мумкин.

- Турли манбалардан фойдаланиш — турли овозлар, ёш ва шевалардаги аудиоматериаллар билан ишлаш эшитиш қобилиятини кенгайтиради.

Таълимий ўйинлар, жумладан, сўз ўйинлари, викториналар ва кроссвордлар талабаларнинг сўз бойлигини оширишда жуда самарали воситалардан ҳисобланади

Сўз ўйинлари синонимлар, антонимлар, шаклдош сўзлар, кўчма маъноларни топиш орқали сўз захираси бойийди, тил сезгирлиги ошади.

Викториналар савол-жавоб шаклида сўзларнинг маъноларини аниқлаш, уларни тўғри қўллаш кўникмаси шаклланади. Кроссвордлар сўзларни топиш, уларнинг ёзилиши ва маъносини билиш, мантиқий фикрлашни ривожлантиради. Гуруҳли ўйинлар жамоада ишлаш, фикрни қисқа ва аниқ ифодалаш, ўзаро ўрганиш жараёни фаоллашади.

Талабаларнинг нутқ кўникмаларини ривожлантиришда замонавий, интерфаол ва коммуникатив методлардан фойдаланиш самарали натижа беради. Бу жараёнда ўқитувчининг роли, дарсни тўғри ташкил этиш ва талабаларнинг фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Саидова, Г. Chet tillarni o'qitishda innovatsion texnologiyalar. Toshkent: Fan va texnologiya, 2020

2. Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т., 2005. 45-б.

3. Aliyeva, M. Interfaol metodlar asosida nemis tilini o'qitish. T.: TDPU, 2022